

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти мавзусида ўтказилган семинар тренинг

БАЁННОМАСИ

2024 йил 29 март

Тошкент шаҳри

“Jizzax avtomobil zavodi” масъулияти чекланган жамиятнинг комплаенс хизмати мутахассиси томонидан, 2024 йил 27-29 март кунларида, жамиятнинг 04.10.2023 йилдаги 15 ИЧ-сонли буйруғи билан қабул қилинган порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти мавзусида семинар тренинг ўтказилди.

Иштирокчилар: Комплаенс хизмати мутахассиси.
 Ходимларни бошқариш бўйича директори.
 Юридик бўлим бошлиғи.

Таклиф этилганлар: “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг барча ходимлари.

“Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖ комплаенс хизмати мутахассиси Н.Караджанов, ходимларни бошқариш директори А.Дехконов, юридик бўлим бошлиғи Б.Очилов.

1. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг порахўрлик ва коррупцияга қарши курашиш сиёсати.

Ушбу мавзу бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати мутахассиси Н.Караджанов олиб борди. Семинар тренингда мазкур сиёсат бўйича қуйидаги тушунчалар, атамалар ҳақида тушунтиришлар берилди. Жумладан:

Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари.

- қонунийлик;
- коррупцияга нисбатан муросасизлик (тоқатсизлик);
- очиклик ва шаффофлик ;
- коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив (огоҳлантириш, хавфсизлик ҳаракатлари) хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги;
- коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш;

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари.

Манфаатлар тўқнашувини бошқариш;

Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш;

Жамият ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;

Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш);

Текширувлар ўтказиш ва жамият фаолиятини ўрганиш;

Ваколатли давлат органлари, контрагентлар ва учинчи шахслар билан шаффоф ва самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш;

Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси;

Жамият фаолияти соҳасига янги технологияларни жорий этиш;

Жамиятдаги фаолиятни видеоқайд қилиш ва унинг трансляцияси;

Давлат хизматчилари ва давлат ташкилотлари билан ўзаро алоқалар;

Расмийликни соддалаштириш учун тўловлар;

Таҳдидлар ва мажбурлаш;

Ижтимоий инвестициялар ва корпоратив ижтимоий масъулият;

Бирлашиш ва қўшиб олиш битимлари;

Ҳисобот ҳужжатлари ва ҳисобот бериш.

2. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг одоб-ахлоқ қоидалари.

Ушбу низом бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати мутахассиси Н.Қараджанов олиб борди.

Мазкур қоида “Jizzakh Auto” МЧЖ ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари, касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида ҳамда хизматдан ташқари вақтда одоб-ахлоқи, ташқи кўриниши ва кийиниш услубининг намунавий қоидаларини белгилашини ва Одоб-ахлоқ қоидалари ходимларнинг иш фаолиятида юксак касбий маданиятни шакллантиришини, жамиятга халқнинг ишончини ошириш ҳамда жамият ходимларининг ахлоқ қоидаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга қаратилганлиги ҳақида тушунтириб ўтди.

Шунингдек, жамият ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга ошириши шартлиги таъкидланди;

- қонунийлик;
- Хизмат вазифасига фидойилик, юкланган функционал вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- Жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- коррупциявий ҳолатларга муросасиз муносабатда бўлиш ва қарши курашиш;
- хизмат сирини қатъий сақлаш;
- берилган ваколатларни суистеъмол қилмаслик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

Жамият ходимлари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда ҳуқ-атворнинг қуйидаги умумий қоидаларига амал қилиши лозимлиги:

- Жамият обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиш, ахлоқ нормаларига доимий риоя қилиш;
- масъулият, касбига садоқат ва ҳалолликни кундалик шиорга айлантириш;
- мураккаб вазифаларни бажаришда ҳамкасбларига кўмаклашиш;
- хушмуомалалик, эътиборлилик ва хушёрлик билан фуқароларда ва бизнес ҳамкорларда Жамиятга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиш;
- фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий аҳволи ва бошқа омиллардан қатъи назар, улар билан бир хил, самимий, одоб доирасида муносабатда бўлиш;

- жамиятда ахлоқнинг умумэтироф этилган қоидаларига амал қилиши.

Маърузачи томонидан, жамият ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошираётганда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Одоб-ахлоқ қоидаларига ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилишини айтиб ўтди.

Касбий маданиятга оид умумий одоб-ахлоқ қоидалари.

Жамият ходимлари:

- Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, фуқаролиги, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи камситилишига олиб келувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)га йўл қўймаслиги;

- Ҳалол, адолатли ва камтар бўлиши, фуқаролар ҳамда бизнес ҳамкорлар билан мулоқотда хушмуомала, вазмин ва самимий муносабатни намойиш қилиши;

- Жамият манфаатларига зарар етказувчи, фаолияти самарадорлигини пасайтирадиган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)дан тийилиши;

- Ўзининг хатти-ҳаракати ва ахлоқи туфайли жамоатчиликнинг танқидига учрамаслик чораларини кўриши, танқид учун таъқибга йўл қўймаслиги, асосли ва конструктив танқиддан ўз фаолиятидаги камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этиш йўлида фойдаланиши;

- Жамият ходимлари ва бошқа шахсларга ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда шахсий масалалар юзасидан таъсир ўтказмаслиги;

- Ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олмаслиги;

- Жамият мулкининг бут сақланишини таъминлаши, ўзига ишониб топширилган жамият мулкидан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши;

- Хизмат интизомига қатъий риоя қилиши, иш вақтидан оқилона ва самарали фойдаланиши;

- Аҳолининг жамият истеъмолчиси сифатидаги талабларига мувофиқ доимий равишда фаолият сифатини ошириб бориш чораларини кўриши;

- Жамият ички ҳужжатлари, қонун билан интизомий, маъмурий ва жиной жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ва бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги;

- Касб этикаси ва ишчанлик услубига риоя этиши;

- Сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари манфаатлари йўлида хизмат мавқеи ва имкониятларидан фойдаланмаслиги кераклиги;

Жамият ходимлари ўзига бўйсунувчи ходимлардан улар меҳнат вазифасини бажараётган пайтда партия номидан сиёсий фаолият билан шуғулланишни талаб қилиши, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишга даъват этиши ёки мажбурлашига йўл қўйилмаслиги.

Хизмат фаолиятига оид одоб-ахлоқ қоидалари.

Жамият ходимлари хизмат фаолияти давомида қуйидагиларга мажбур:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига сўзсиз риоя этиш;

- Жамият шаънини эъзозлаш;

- Ўз хизмат вазифаларини виждонан, ҳалол ва юксак профессионал даражада бажариш, расмиятчилик, сохтакорлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик;

- Хизмат мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни доимий асосда ошириш;

- Жамият бошқаруви ва ижроия органи ҳамда мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари ҳамда берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- Ҳар қандай қонунбузилишига, айниқса, коррупция ҳолатларига қарши муросасизлик билан курашиш;

- Ҳар қандай шахсга ёки ташкилотга пора бермаслик ёки пора бериш бўйича топшириқ бермаслик, пора беришни таклиф қилмаслик ёки ваъда бермаслик;

- Ҳар қандай шахс ёки ташкилотдан пора талаб қилмаслик, сўрамаслик, олмаслик ёки қабул қилмаслик;

- Коррупцияга қарши курашиш сиёсат талабларини тушуниш ва уларга риоя қилиш;

- Ҳар қандай шаклдаги порани ёки пора сифатида қаралиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа қиммат баҳо нарсалар ёки бойликларни бермаслик ёки олмаслик ва бошқалардан иборатлиги айтиб ўтилиб, шунингдек мазкур “Одоб-Ахлоқ” Қоидалари Хизматдан ташқари одоб-ахлоқ қоидалари, жамоатчилик, Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатларга оид одоб-ахлоқ қоидалари, Хизмат фаолиятидаги ташқи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари, Манфаатлар тўқнашуви, Инсон ҳуқуқларига риоя этиш, Коррупция ва порахўрлик, Хайрия эҳсонлари ва тижорат ҳомийликлари, Корпоратив молиявий ҳисобот, Бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар, Харидлар, Экспорт назорати ва иқтисодий санкциялар, Пулларни ювиш ва терроризмни молиялаштиришда иштирокни тақиқлаш, Ҳалол рақобат, Атроф-муҳит, Жамият маълумотлари ва активлари муҳофазаси, Жамият ходимларининг манфаатини ҳимоя қилиш, Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш ва Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаганлик учун жавобгарлик қоидаларидан иборатлиги тушунтириб ўтилди.

3. “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖнинг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти

Ушбу услубиёт бўйича семинар тренингни комплаенс хизмати мутахассиси Н.Қараджанов олиб борди.

Мазкур услубиёт “Jizzax avtomobil zavodi” МЧЖда юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб бериши ҳамда жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилганлиги тушунтириб ўтилди.

Жамиятдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади бўлиб жамият фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш ва

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ҳисобланади такидланди.

Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қўйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутди:

-Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

-Жамиятда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қўйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

-Коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

-Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

-Функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Жамиятнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Жамият тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Жамият функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

Услубиётда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Жамият номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Жамият томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Жамият функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар - ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый характердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил - Жамият функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция - бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Жамиятнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри - аниқ факт ёки ҳодиса юзасидан маълум бир соҳада махсус билимларга эга жисмоний шахс томонидан берилган хулоса.

ўзига хос хавф-хатар - Жамият фаолияти ва амалга оширилаётган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-таомиллари, хавф-хаталарни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

Тизим корхоналарининг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси - Жамият тизим корхоналарида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимоллий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

Жамиятдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Комплаенс хизмати томонидан Жамият раҳбари топшириғи асосида амалга оширилади. Жамият раҳбари топшириғида баҳолашни ўтказиш аниқ муддатлари кўрсатилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Комплаенс хизмати томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилиши айтиб ўтилди:

-Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда жамиятда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

-Жамиятдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

-Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

-Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

-Жамият раҳбарига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

-Тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида корхона томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

-Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишади;

-Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

-Ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.
Комплаенс хизмати зарур ҳолларда жамиятнинг тегишли бўлимлари раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилиши айтиб ўтилди:

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказади;

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

-Жамиятнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-Жамиятнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқади ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

-Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

-Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда жамиятнинг тегишли ходимларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

Шунингдек, мазкур услубиёт Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши, Жамиятда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби, Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари ва Якуний қоидалар бобларидан иборатлиги айтиб ўтилди.

Комплаенс хизмати мутахассиси



Н.Караджанов

Ходимларни бошқариш директори



А.Дехқонов










Юридик бўлим бошлиғи







Б.Очилов.

Машигулотларни ҳисобга олиш журнали

Дарс номи	Одоб-ахлоқ қоидалари бўйича ўқитиш		
Бошланиш санаси	28.03.2024 й	Тугаш санаси	28.03.2024 й
Бошланиш вақти	10-00	Тугаш вақти	12-00
Умумий соати	2соат	Дарс жойи	мажлислар зали
Ўқитувчи	Караджанов Нурали		







№	таб №	Фамилия	Исм	Бўлим	Лавозими	Имзо
1	72	AYUBOV	OYBEK	Раҳбарият	Бош директор	
2	206	NORQULOV	BAXRIDDIN	Раҳбарият	Бош директор ёрдамчиси	
3	197	ASADOV	YORQIN	Раҳбарият	Харид ва таъминот тизими бўйича директор	
4	150	YUNUSOV	MOXIR	Раҳбарият	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор	
5	198	RUSTAMBEKOV	AMIRBEK	Раҳбарият	Маркетинг, савдо ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	
6	179	DEXQONOV	AKRAMJON	Раҳбарият	Ходимларни бошқариш бўйича директор	
7	164	SAIDOVA	NODIRA	Ходимлар бўйича иш юритиш бўлими	Етакчи мутахассис	
8	180	OCHILOV	BEXZOD	Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	
9	181	SHERALIYEV	RUSTAM	Молия бошқармаси	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор ўринбосари	
10	191	NURLAYEVA	ZULFIYA	Бухгалтерия бўлими	Бош бухгалтер	
11	162	YARINA	AKSANA	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
12	136	QOZOQOV	SUXROB	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
13	199	TO'LANOV	PAXLAVONBEK	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Бўлим бошлиғи	
14	113	SOBIROV	SARVARJON	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
15	161	SAIDOV	SAIDAZIM	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
16	147	MIRONOV	DMITRIY	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бўлим бошлиғи	
17	152	ISMAILOV	SHAVKAT	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бош мутахассис	






18	188	BOZOROV	SHAXBOZ	Маркетинг бўлими	Маркетинг бўйича бош мутахассис	
19	200	GULYAMOV	RUSTAMJON	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
20	195	NURMATOV	BEHZOD	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Божхона ҳужжатлаштириш бош мутахассиси	
21	146	ABILOV	UMIDJON	Омбор бўлими	Омбор мудир	
22	193	ABDUNABIYEV	XASAN	Янги лойиҳаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
23	88	QULMIRZAYEV	OYBEK	Ишлаб чиқариш бўлими	СКД бошлиғи	
24	15	YUNUSOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Гуруҳ раҳбари	
25	201	OMANOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Сертификатлаш бўйича етакчи муҳандиси	
26	204	AZIMOV	NODIRBEK	Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими	Етакчи система муҳандиси	
27	86	KODIROV	XAYOT	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бўлим бошлиғи	
28	194	IRGASHEV	ABDUG'AFFOR	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бош мутахассис	
29	203	MUXAMEDGARAYEVA	DANIYA	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Иш юритиш бўйича катта инспектор	
30	52	SHAKADIROV	DAVRON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
31	172	ABZALOV	MURODJON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
32	176	KARADJANOV	NURALI	Комплаенс хизмати	Мутахассис	

Ўқитувчи имзоси

Машигулотларни ҳисобга олиш журнали

Дарс номи	Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиёти бўйича ўқитиш		
Бошланиш санаси	29.03.2024 й	Тугаш санаси	29.03.2024 й
Бошланиш вақти	10-00	Тугаш вақти	12-00
Умумий соати	2соат	Дарс жойи	мажлислар зали
Ўқитувчи	Караджанов Нурали		




№	таб №	Фамилия	Исм	Бўлим	Лавозими	Имзо
1	72	AYUBOV	OYBEK	Раҳбарият	Бош директор	
2	206	NORQULOV	BAXRIDDIN	Раҳбарият	Бош директор ёрдамчиси	
3	197	ASADOV	YORQIN	Раҳбарият	Харид ва таъминот тизими бўйича директор	
4	150	YUNUSOV	MOXIR	Раҳбарият	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор	
5	198	RUSTAMBEKOV	AMIRBEK	Раҳбарият	Маркетинг, савдо ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	
6	179	DEXQONOV	AKRAMJON	Раҳбарият	Ходимларни бошқариш бўйича директор	
7	164	SAIDOVA	NODIRA	Ходимлар бўйича иш юритиш бўлими	Етакчи мутахассис	
8	180	OCHILOV	BEXZOD	Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	
9	181	SHERALIYEV	RUSTAM	Молия бошқармаси	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор ўринбосари	
10	191	NURLAYEVA	ZULFIYA	Бухгалтерия бўлими	Бош бухгалтер	
11	162	YARINA	AKSANA	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
12	136	QOZOQOV	SUXROB	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
13	199	TO'LANOV	PAXLAVONBEK	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Бўлим бошлиғи	
14	113	SOBIROV	SARVARJON	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
15	161	SAIDOV	SAIDAZIM	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
16	147	MIRONOV	DMITRIY	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бўлим бошлиғи	
17	152	ISMAILOV	SHAVKAT	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бош мутахассис	








18	188	BOZOROV	SHAXBOZ	Маркетинг бўлими	Маркетинг бўйича бош мутахассис	
19	200	GULYAMOV	RUSTAMJON	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
20	195	NURMATOV	BEHZOD	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Божхона ҳужжатлаштириш бош мутахассиси	
21	146	ABILOV	UMIDJON	Омбор бўлими	Омбор мудир	
22	193	ABDUNABIYEV	XASAN	Янги лойиҳаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
23	88	QULMIRZAYEV	OYBEK	Ишлаб чиқариш бўлими	СКД бошлиғи	
24	15	YUNUSOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Гуруҳ раҳбари	
25	201	OMANOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Сертификатлаш бўйича етакчи муҳандиси	
26	204	AZIMOV	NODIRBEK	Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими	Етакчи система муҳандиси	
27	86	KODIROV	XAYOT	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бўлим бошлиғи	
28	194	IRGASHEV	ABDUG'AFFOR	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бош мутахассис	
29	203	MUXAMEDGARAYEVA	DANIYA	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Иш юритиш бўйича катта инспектор	
30	52	SHAKADIROV	DAVRON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
31	172	ABZALOV	MURODJON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
32	176	KARADJANOV	NURALI	Комплаенс хизмати	Мутахассис	

Ўқитувчи имзоси

Машигулотларни ҳисобга олиш журнали

Дарс номи	Пораҳўрлик ва коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсат ўқитиш		
Бошланиш санаси	27.03.2024 й	Тугаш санаси	27.03.2024й
Бошланиш вақти	10-00	Тугаш вақти	12-00
Умумий соати	2соат	Дарс жойи	мажлислар зали
Ўқитувчи	Караджанов Нурали		

№	таб №	Фамилия	Исм	Бўлим	Лавозими	Имзо
1	72	AYUBOV	OYBEK	Раҳбарият	Бош директор	
2	206	NORQULOV	BAXRIDDIN	Раҳбарият	Бош директор ёрдамчиси	
3	197	ASADOV	YORQIN	Раҳбарият	Харид ва таъминот тизими бўйича директор	
4	150	YUNUSOV	MOXIR	Раҳбарият	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор	
5	198	RUSTAMBEKOV	AMIRBEK	Раҳбарият	Маркетинг, савдо ва сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш директори	
6	179	DEXQONOV	AKRAMJON	Раҳбарият	Ходимларни бошқариш бўйича директор	
7	164	SAIDOVA	NODIRA	Ходимлар бўйича иш юритиш бўлими	Етакчи мутахассис	
8	180	OCHILOV	BEXZOD	Юридик бўлим	Бўлим бошлиғи	
9	181	SHERALIYEV	RUSTAM	Молия бошқармаси	Иқтисодиёт ва молия бўйича директор ўринбосари	
10	191	NURLAYEVA	ZULFIYA	Бухгалтерия бўлими	Бош бухгалтер	
11	162	YARINA	AKSANA	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
12	136	QOZOQOV	SUXROB	Бухгалтерия бўлими	Бухгалтер	
13	199	TO'LANOV	PAXLAVONBEK	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Бўлим бошлиғи	
14	113	SOBIROV	SARVARJON	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
15	161	SAIDOV	SAIDAZIM	Сотув ва дилерлар тармоғини ривожлантириш бўлими	Етакчи мутахассис	
16	147	MIRONOV	DMITRIY	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бўлим бошлиғи	
17	152	ISMAILOV	SHAVKAT	Сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар бўлими	Бош мутахассис	

18	188	BOZOROV	SHAXBOZ	Маркетинг бўлими	Маркетинг бўйича бош мутахассис	
19	200	GULYAMOV	RUSTAMJON	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
20	195	NURMATOV	BEHZOD	Таъминотни режалаштириш ва буюртмаларни бошқариш бўлими	Божхона хужжатлаштириш бош мутахассиси	
21	146	ABILOV	UMIDJON	Омбор бўлими	Омбор мудири	
22	193	ABDUNABIYEV	XASAN	Янги лойиҳаларни бошқариш бўлими	Бўлим бошлиғи	
23	88	QULMIRZAYEV	OYBEK	Ишлаб чиқариш бўлими	СКД бошлиғи	
24	15	YUNUSOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Гуруҳ раҳбари	
25	201	OMANOV	SHUXRAT	Маҳсулотларни стандартлаштириш ва сертификатлаш гуруҳи	Сертификатлаш бўйича етакчи муҳандиси	
26	204	AZIMOV	NODIRBEK	Ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги бўлими	Етакчи система муҳандиси	
27	86	KODIROV	XAYOT	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бўлим бошлиғи	
28	194	IRGASHEV	ABDUG'AFFOR	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Бош мутахассис	
29	203	MUXAMEDGARAYEVA	DANIYA	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Иш юритиш бўйича катта инспектор	
30	52	SHAKADIROV	DAVRON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
31	172	ABZALOV	MURODJON	Маъмурий-ҳўжалик бўлими	Енгил автомобил ҳайдовчиси	
32	176	KARADJANOV	NURALI	Комплаенс хизмати	Мутахассис	

Ўқитувчи имзоси